

Очиқ бюджет нима?



Энди Очиқ бюджет портали орқали ўзимиз қаерга ичимлик суви керак, қайси йўлни тузатиш керак, қайси боғча ёки мактабни таъмирлаш керак, таклиф бера оламиз. Ва таклифимизни маҳалладошларимиз қўллаб-қувватлаб, кўпроқ овоз берса, ўшанга пул ажратилади.

Ташаббуслар харажати 1 млрд сўмдан ошмаслиги керак.

Хўш, сиздачи? Таклиф борми? Унда нега қўл қовуштириб ўтирибсиз? Тезда openbudget.uz сайтига кириш ва ташаббус кўрсатинг. Давлат бюджетини керакли жойга ишлатилишида ёрдам беринг.

Таклифлар қуйидаги мавзуларда бўлиши керак:

- ичимлик суви таъминоти;
- ички йўлларни таъмирлаш;
- ёритиш тизимлари билан боғлиқ муаммолар;
- мактаб, боғча, тиббиёт бирлашмалари ва бошқа ижтимоий объектларни таъмирлаш, моддий-техник жиҳозлар билан таъминлаш;
- умумжамоат фойдаланишидаги объектларни таъмирлаш ёки жиҳозлаш ва бошқалар.

Бефарқ ва лоқайд бўлманг, ташаббусни қўлга олиш вақти келди.

Термиз туман ҳокимлиги

Ахборот хизмати